

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14518389>

ҚОРАҚАЛПОҚ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бахтияр Мадияров

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият

институти Нукус филиали ўқитувчisi

Аннотация: Уибу мақолада Қорақалпоқ кинохужжатчиларининг бугунги даврдаги ижодий изланишилари ҳақида сўз боради. Сўнгги йилларда Қорақалпоқ ҳужжатли киносида изланишилар давом этмоқда, мавзулар доираси кенгайди, замонавий фильмлар яратилди ва жанрлар бойиди.

Мақолада тарихий, замонавий, ижтимоий ва фалсафий мавзулардаги ҳужжатли фильмлар талқин этилади.

Калим сўзлар: Замонавий фильмлар, маънавий маданият, публицистик пафос, ҳужжатли фильм, тасвир.

Сўнгги йилларида давлатимизда кино саънатига берилаётган эътибор, амалга оширилаётган ислоҳотлар Қорақалпоқ киносини ҳам четлаб утаётганий үук. Бугунги кун киноси олдингидан ҳам ривож топиб, янгиланиб, ўзига ҳос қиёфа касб этмоқда. Бугун экранларимизда “Қорақалпоқфильм” киностудияси томонидан суратга олинган қатор ҳужжатли фильмларимизни қўришимиз мумкин.

Қорақалпоқ кино санъати етмишинчи йилларнинг ўрталарида жадал ривожланди. Қорақалпоқ киноси тарихи, унинг турлари ва жанрлари, муаллифларнинг ижодий усуслари, муаллифлик йўналиши фильмларининг ғоявий ҳамда мавзу масалалари, кинонинг қорақалпоқ бадиий маданияти контекстидаги ўрни, фильмларни томоша қилиш ва таҳлил қилиш билан бирга

унинг амалиётини ўрганган сари янада янгича таҳлилларга муҳтожлигини кўрамиз.

Кино халқнинг маънавий маданиятида жуда катта ва муҳим роль ўйнайди. Замонавий ёшларнинг онгида хулқ-автор меъёрлари, миллий қўшиқлар, эртаклар, фольклор, халқ донолиги, колорит ва менталитет билан бир қаторда миллий кино асарлари алоҳида маъно ва моҳиятга эга бўлди.

Қорақалпоқ ҳужжатли фильм усталари тарафидан олинган фильмларда минтақа халқи ва ундаги шахсларнинг портретли кўринишлари жуда яхши ифодаланган. Бу ерда муаллифлар халқ тақдирни билан Орол ва Оролбўйи тақдирини экран орқали публицистик жиҳатдан бириктира олганлар. Бунга сабаб, бу ерда яшовчи меҳнаткаш халқ катта обрў-эътиборга эга эканлиги бўлса керак.

“Дард ва даво” фильмининг (“Қарақалпақфильм”, 2006, сценарий муаллифи Г.Тажетдинова, режиссёри Д.Абдимуратов, оператори А.Аскarov) номи икки маънода ҳам тўғри танланган. Биринчидан, фильмда қорақалпоқ халқи акс этганлиги фильмнинг умумий матниданоқ кўринади. Иккинчидан, унда гап халқ дардига шифо топувчи инсон – Мўйноқ тумани “Қозоқдарё” овули шифокорлар пункти бош шифокори Ўтесин Назарбаев ҳақидадир. Бахтга қарши, бундай муваффакиятли номлар бизнинг ҳужжатли фильмларимизда жуда кам учрайди.

Бош қаҳрамон турли хил меҳнат ва турмуш ҳолатларида кўрсатилади. У bemорлар ҳамда касаллик турлари кўпайиб бораётганлиги ҳақида сўзлади. Қаҳрамоннинг таъсирили образидан бошқа, фильмнинг публицистик пафосларидан бири, фильм муаллифининг қандай қилиб, табиатнинг ўзи шифокор сифатида, мисли ер қаридан отилиб чиққан иссиқ сув булоқлари ёки қумли-тузли ванналар (қумга тушиш, тузга тушиш) ёрдамида одамларни даволаётганлиги айтилади.

Сўнгти қисқа давр ичида “Қарақалпоқфильм” киностудияси томонидан ижтимоий-сиясий, спорт ва ватанпарварлик, халқаро муносабатлар, илм-фан,

техника тараққиёти, маданият, санъат, миллий хўнармандчилик, манъавият ва маърифат, халқлар дўстлиги каби мавзуларда фильмлар яратилган.

“Қорақалпоқфильм” киностудиясида 2021 йил давомида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмасига асосан “Аму соҳили куйчиси” (Бердах), 2 бўлимли, “Очиқ аёз” (Ибраим Юсупов) 2 бўлимли ва “Қора уйдан кенг дунёга” (Т. Қайпбергенов) 2 бўлимли ҳужжатли фильмлар ишлаб чиқарилди. Ушбу портретлик ҳужжатли фильмларда Қорақалпоқ миллий адабиётига катта ҳисса қўшган буюк адилар ҳаёт йўллари ва ижоди тасвирланади.

Қорақалпоқ элининг тараққиётига ҳисса қўшган Ўзбекистон Қаҳрамони, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Раиси бўлиб ишлаган Муса Тажетдинович Ерниязов ҳақидаги “Халқининг мард фарзанди” 2 бўлимли ҳужжатли филми тасвирга олиниб, ушбу фильм орқали халқнинг миллий колорити очиб бериади. Фильмда миллий қўшиқлардан ҳам маҳорана фойдаланилади.

. Кейинроқ турли мавзулар қатори киноҳикояларга алоҳида эътибор берилди. Кўпроқ маълум бир тарихни ҳикоя қилувчи фильмлар кўпайди. Масалан “Оқсоқол” номли ҳужжатли фильмда қорақалпоқ халқининг севимли фарзанди К.Камаловнинг ҳаёт йўллари орқали халқнинг маълум давр ичидаги тарихи ҳикоя қилинади. Кўпинча қорақалпоқ фильмларида давр қаҳромани қиёфасини ёртишга аълоҳида эътибор берилади. «Бизнинг Анесия» номли 1 бўлимли ҳужжатли фильм акушер-гинеколог Ўзбекистон қаҳрамони Онесия Сайдованинг қорақалпоқ тиббиётига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз этилади.

Киноларда замонавий ёшлар ҳаёти, айниқса қорақалпоқ ёшлари эришаётган муваффақиётлар ҳам кинотасмаларга муҳирланган. Мамлакатимизда энг аввало, ёшларни болалигидан спортга жалб қилиш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш борасидаги Президент қарор ва фармонларидан сўнгти натижаларни сўз этувчи «Қилич парвози» (муаллиф Г.Тажатдинова) номли бир бўлимли ҳужжатли фильмида ўн саккиз ёшли қизчанинг дунё миқиёсидаги эришган

ютуқлари кино санъатининг ўзига хос усулида тасвирга олинади. Фильмда кино элементларидан унумли фойдаланилган.

«Айқулаш» номли икки қисмли хужжатли фильмида Қорақалпоқ миллий рақслари қачон шаклланган ва кимлар тарафидан яратилган? –деган саволларга жавоб тариқасида яратилган фильмда таниқли ўзбек балетмейстери Али Ардобус Ибрагимов фаолиятидан хозирги кунгача фаолият юритаётган қорақалпоқ устоз санъаткорларнинг меҳнатлари хақида сўз этилади.

«Қалбида кенг дунё» номли бир бўлимли хужжатли фильм «Эл-юрт ҳурмати» ордени эгаси Шарап Уснатдиновнинг болалик йилларидан тортиб, республикамизнинг сиёсий-ижтимоий турмушидаги фаоллиги билан унинг журналистик ва ёзувчилик фаолияти сўз этилади. Кинода режиссёр етакчи роль ўйнайди. Ушбу фильмда айниқса режиссёрлик маҳорат қўзга ташланади. Фильмда эсда қоладиган лавҳалар, режиссёрлик топилмалар анчагина бор эканини айтмоқ ўринли. Ушбу «Қалбида кенг дунё» филмида таъсирчан эпизодлар кўплаб топилади.

Сўнгти йилларда Қорақалпоқ хужжатли киносида изланишлар давом этмоқда, мавзулар доираси кенгайди, замонавий фильмлар яратилди ва жанрлар бойиди. Бу эса янги талқинни талаб этадиган масала деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тешабаев Ж., Абул-касымова Х., Мирзамухаммедова М. Кино Узбекистана Т. 1985.
2. Кино: энциклопедический словарь. Гл. ред. С.И.Юткевич. – М.: Сов.энциклопедия, 1986. – С. 129.
3. Хайдеггер М. Время картины мира (1938, 1950) // Хайдеггер М. Исток художественного творения. Избранные работы разных лет. М.: Академический проект, 2008. – С. 274.
4. Х.Мухамедалиев. “Сценарийнавислик маҳорати”.–Тошкент. “Мусиқа”. 2009г.
5. Иззат Султон. Адабиёт назарияси.-Т.,Ўқитувчи. 2005 й.
6. Ш.Нусратова. “Бадиий асар тахлили”, ўқув қулланма. –Т.: “Fan ziyosi” нашриёти. 2023. 180 в
7. “Қарақалпақфильм” архив материаллари